

Ёшларимизни она Ватанимизга, мустақиллик ғояларига муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг истеъдод ва қобилиятини, эзгу интилишларини рўёбга чиқариш йўлида бошлаган катта ишларимизни бундан буён ҳам қатъият билан давом эттирамиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Ҳақсевар она юрт, мангу бўл обод!

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2020 йил

1 июль

ЧОРШАНБА

№ 44 (13305)

@haqiqatonline

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Азиз ўғил-қизларим!

Барчангизни юртимиз ҳаётидаги кутлуғ байрам – Ёшлар куни билан самимий табриклаб, ўзимнинг чуқур меҳрим ва эзгу тилакларимни билдиришдан гоёят мамнунман.

Бугунги кунда мамлакатимизда янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислохотларни амалга оширишда азму шижоатли ёшларимизнинг ўрни ва таъсири тобора ортиб бораётгани ҳаммамизни қувонтиради.

Ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида, Ватан ҳимоясидек шарафли вазифани адо этишда миллионлаб ёшларимиз садоқат ва фидойилик билан хизмат қилмоқда. Сиёсий савияси етуқ, мустақкам фуқаролик позициясига эга юзлаб йигит-қизлар парламентимиз ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг аъзоси сифатида давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий ҳокимият идораларида раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатмоқда.

Республикамизда самарали ишлаган 227 мингга яқин ёш тадбиркор ва фермерлар, моҳир хунармандлар иқтисодиётимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда. Юртимизда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун зарур шароитлар яратилмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, биргина "Ёшлар – келагачимиз" дастури доирасида ёш авлод вакилларининг 7 минг 775 та бизнес лойиҳасига 1 триллион 635 миллиард сўмдан зиёд имтиёзли кредит маблағлари ажратилиб, шу асосда 40 мингга яқин янги иш ўрни ташкил этилганини қайд этиш лозим.

Ана шундай эътибор ва ғамхўрлик туфайли ҳудудларда 27 та "Ёш тадбиркорлар" коворкинг-марказлари ҳамда 157 та "Ёшлар меҳнат гузари" фойдаланишга топширилди. Ушбу мажмуаларда 2 минг 200 нафардан ортиқ ўғил-қизларимиз ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлагани эътиборлидир.

Шу билан бирга, "Ҳар бир ёшга – бир гектар" лойиҳаси бўйича барча ҳудудларимизда 65 мингга яқин ёш деҳқонларга 54 минг 232 гектардан зиёд ер ажратилди.

Ана шундай муҳим чора-тадбирлар туфайли сўнгги уч йилда 560 минг 200 нафарга яқин ёш фуқаро иш билан таъминланди.

Бу йил коронавирус пандемияси ҳамда Бухоро ва Сирдарё вилоятларида рўй берган офатлар бутун эл-юртимиз қатори ёшларимиз иродасини ҳам синовдан ўтказди. Ана шундай оғир вазиятларда минг-минглаб ўғил-қиз-

ларимиз чинакам мардлик ва жасорат кўрсатиб, барча тенгдошларига ўрнак бўлдилар.

Хусусан, мамлакатимизда ташкил этилган "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракатининг асосий иштирокчилари ҳам ёшларимиз экани, Ҳаракат доирасида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг 4 минг 500 нафар аъзоси кўнгилли сифатида фаол иш олиб бораётгани таҳсинга лойиқдир.

Сардоба сув омборидаги тошқиндан талафот кўрганларга ёрдам ва кўмак кўрсатиш мақсадида Ёшлар иттифоқининг хайрия карвони ташкил этилиб, аҳолига кийим-кечак, санитария воситалари, озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек, катта миқдордаги ўқув қуроллари ва спорт анжомлари, бадий адабиётлар етказиб берилди.

Ўз навбатида, бундай эзгу ишлар Бухоро вилоятининг кучли довулдан зарар кўрган Олот ва Қорақўл туманларида ҳам амалга оширилгани сизларнинг ватанпарварлик ва олижаноблик фазилятларингиздан далолат беради.

Фурсатдан фойдаланиб, оғир синов кунларида халқимизга ҳақиқий таянч ва суянч бўлиб майдонга чиққан Куроли Кўчларимизнинг мард ва матонатли ҳарбий хизматчиларига, жонкуяр шифокорлар, бунёдкор курувчилар, саховатли тадбиркорларимизга, илм-фан, маданият ва спорт соҳаси вакилларига, Ёшлар иттифоқининг фаол аъзоларига – барча Ўзбекистон ёшларига чин қалбимдан миннатдорчилик билдираман.

Ватанимиз, эл-юртимиз сизлар каби фидойи ва жасур фарзандлари билан ҳамisha фахрланади!

Муҳтарам ёш дўстларим!

Бугунги кунда замонавий илм-фан ва юқори технологияларни мукамал эгаллаш ҳар қандай давлат ва жамият тараққиётининг ҳал қилувчи шартига айланиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Ана шу ҳақиқатни чуқур англаган ҳолда, биз навқирон авлодимизнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етиши учун бор куч ва имкониятларни сафарбар этмоқдамиз.

Шу мақсадда улуг алломиримиз номидаги иختисослаштирилган мактаблар, Инновацион ривожланиш вазирилик қошида Ёшлар академияси, Фаргона шаҳрида "Лойиҳалар фабрикаси" фаолияти йўлга қўйилгани, Президент ва ижод мактаблари бўйича дастурларимиз изчил давом эттирилаётгани сизларга яхши маълум.

Иқтидорли ёшларни янада қўллаб-қувватлаш учун ҳар бир ҳудудда Ёшлар технопаркларини барпо этишни

бошладик. Умумий қиймати 30 миллиард сўмдан ортиқ бўлган "Ёш олимлар" амалий ва инновацион лойиҳалар танлови эълон қилинди.

Карантин шароитига қарамасдан, 6 миллиондан ортиқ мактаб ўқувчилари, 468 минг талаба ўқув дастурларида белгиланган дарсларни ўз вақтида ва сифатли ўзлаштирди. "Online-maktab" лойиҳаси доирасида 17 та фан бўйича 4 мингдан ортиқ телемашгулотлар ўтказилди. Бу жараёнга энг малакали педагоглар жалб этилди, жумладан, Тошкентдаги Президент мактабининг хорижлик мутахассислари томонидан ҳам маҳорат дарслари олиб борилди. Имконияти чекланган болаларни ўқитишга алоҳида эътибор қаратилиб, барча дарслар сурдопедагог ва сурдо-таржимонлар томонидан тушунтириб берилди.

Ўзбекистоннинг бу тажрибаси ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, Жаҳон банки каби халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилмоқда.

Бугунги шиддатли замонда, глобал миқёсда рақобат кучайиб бораётган мураккаб вазиятда юксак интеллектуал салоҳиятга эга кадрларга эҳтиёж ҳар қачонгидан ҳам ортиб бормоқда. Шу боис биз ўз олдимизга қўйган улкан ва масъулиятли вазифалардан келиб чиқиб, мамлакатимиз олий таълим тизимида туб ўзгаришларни амалга оширмоқдамиз.

Жумладан, кейинги уч йилда республикамиздаги олий ўқув юртлари сони 60 фоизга ошиб, 116 тага етди. Улар орасида нуфузли хорижий университетларнинг филиаллари борлиги алоҳида эътиборга лойиқ. Мамлакатимизда олий таълим муассасаларига қабул квоталари сони изчил ошириб берилмоқда. Агар 2016-2017 ўқув йилида бу рақам 58 мингтани ташкил этган бўлса, жорий йилда 150 мингга етади. Яъни, бу йил мактаб битирувчиларининг 25 фоизи олий ўқув юртларида ўқиш имконига эга бўлади. Ҳолбуки, 2017 йилда бу рақам 9 фоизга тенг эди.

Миллат генофондини сақлаш ва давом эттиришнинг муҳим омили бўлган ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш масаласи доимо эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда. Сўнгги уч йилда 2 минг 668 та ёш оилага уй-жой учун 121 миллиард 244 миллион сўм бошланғич тўлов маблағлари 20 йил давомида фойсиз қайтариш шarti билан тўлаб берилди.

Барчамиз гувоҳимиз – бугун дунё мисли кўрилмаган суръатлар билан кескин ўзгариб бормоқда. Ижтимоий ҳаётимизда кўплаб ижобий жараёнлар

билан бирга, ёш авлоднинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилган маънавий таҳдидлар ҳам тобора хавфли тус олмақда.

Бундай мураккаб вазиятда фарзандларимизни зарарли таъсирлардан асраш, доимо хушёр ва огоҳ бўлиб яшаш энг долзарб вазифамиз бўлиб қолмоқда.

Ёшларимизни она Ватанимизга, мустақиллик ғояларига муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг истеъдод ва қобилиятини, эзгу интилишларини рўёбга чиқариш йўлида бошлаган катта ишларимизни бундан буён ҳам қатъият билан давом эттирамиз.

Айни шу мақсадда юртимизнинг барча вилоят ва туманларида, шаҳар ва қишлоқларимизда янги-янги таълим даргоҳлари, маданият ва санъат масканлари, спорт иншоотлари барпо этилиб, ёшлар ихтиёрига берилмоқда.

Шулар қаторида пойтахтимизда бунёд этилган муҳташам "Ғалаба боғи", "Шон-шараф" музейи, Тошкент шаҳрининг тарих музейи, бетақрор Адидлар хиббони фарзандларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Ёшларимизни жисмоний соғлом, маънавий етуқ инсонлар этиб тарбиялаш учун беш муҳим ташаббус доирасида кўплаб стадионлар, сув ҳавзалари, спорт мажмуалари ва саройлари барпо этилмоқда.

Энг муҳими, фарзандларимиз ўртасида спорт билан мунтазам шуғулланишдан, соғлом турмуш тарзини ўз ҳаётий мақсадига айлантирган йигит-қизлар сафи кенгайиб бормоқда.

Қадрили ватандошлар!

Бугун жонажон Ўзбекистонимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт куриш йўлида биз бошлаган улкан ишларни давом эттиришга қодир бўлган янги авлод шаклланимоқда.

Азиз ўғил-қизларим, ҳеч қачон унутманг, халқимиз, Ватанимиз сизлардан буюк ишларни кутмоқда.

Шу муқаддас ишонч ва масъулиятни ҳар томонлама оқлаш, унга муносиб бўлиш – дунёдаги энг улуг бахтдир. Шундай бахт, шундай шараф барчангизга насиб этсин!

Сизларни севимли байрамнингиз, азму шижоат, гўзаллик ва камолот айёми – Ёшлар куни билан яна бир бор самимий табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Навқиронлик
Нашидаси

Юртимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби вилоятимизда ҳам ёшлар ойлиги муносабати билан режалаштирилган тадбирлар карантин талабларига тўлиқ риоя қилган ҳолда юқори савияда ўтказилди. Мазкур ойлик доирасида вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари, Ёшлар иттифоқи кенгашлари ҳамда бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда 6 йўналиш бўйича 30 дан ортиқ лойиҳалар амалга оширилди. Мазкур лойиҳалар ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини оширишга, истеъдодларини намоён этишга, уларда ватанпарварлик ҳиссини янада кучайтиришга қаратилган кўрик-танловлар, спорт мусобақалари, турли соҳа вакиллари учрашувлари билан бойитилгани янада аҳамиятлидир.

2

Медиа-тур

БОШ МЕЗОН – ХОЛИСЛИК ВА ҲАҚҚОНИЙЛИК



Ангрен шаҳрининг Янгиобод ҳудудида жойлашган "Шамшод" мажмуасида Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан журналистлар, блогерлар ва соҳа вакиллари учун медиа-тур ва байрам тадбири ўтказилди.

2

УЙДА ҚОЛИНГ!

РЕСПУБЛИКА МАХСУС КОМИССИЯСИ АХБОРОТИ

CORONAVIRUS

Жорий йил

1 июль

санасидан бошлаб:

* республиканинг барча ҳудудларида йирик буюм бозорлари ҳамда савдо мажмуалари ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари санитария-дезинфекция ишларини амалга ошириш учун ёпилади;

* "қизил" ва "сарик" ҳудудларда соат 07:00 дан 23:00 га қадар жамоат жойларида уч кишидан ортиқ тўпланиш ҳамда 23:00 дан 07:00 га қадар кўчаларда, кўп қаватли уйлар ва ҳовлилар олдида бўлиш тақиқланади.

* коронавирус инфекцияси билан касалланиш ҳолатлари камаймаган давлатлардан (қизил рейслар) Ўзбекистонга кириб келаётган фуқароларга ўз хоҳишига кўра 14 кунлик карантин назорати даврини ҳақини тўлаган ҳолда меҳмонхонада ўтказишнинг вақтинчалик тартиби тасдиқланди.

* Ўзбекистон Республикасига карантин даврида инвестиция лойиҳалари доирасида вазасиз 30 кунгача келиши мумкин бўлган давлатлардан жалб қилинган мутахассислар учун истисно тариқасида Ўзбекистон ҳудудидан чиқмасдан туриб ишбилармонлик кириш визаси (бизнес виза) олишга ружсат берилади.

2

Дунёни гўзаллик асрайди! Бу тилимизда бот-бот жаранглаб турадиган маълум ва машҳур ибора. Уйлаб кўрсак, сўздан фикр, фикрдан ҳикмат яралади. Бир оғиз яхши сўз иккинчи бир қутлуғ ўй-хаёлга эшик очади. Дунёни гўзаллик асраса, гўзалликни ким асрайди, деган савол туғилиши табиий. Албатта, инсон. Аммо, дуч келгани эмас, балки маънавияти юксак, комил инсон асрайди гўзалликни!

Маънавий мулк – барҳаёт мулк

Бизга буюқ аждодларимиздан етарлича бой илмий, бадий, маънавий мерос қолган. Утмишда яратилган бирон илм-фан йўқи, унинг тамал тошини қўйишга, ривожига ота-боболаримиз муносиб ҳисса қўшмаган бўлин.

Аслида инсон маънавиятининг асоси маънавий покликдан бошланади. Озода кўнгилда озода ҳаёллар бўлади. Нияти покиза инсоннинг чеҳраси шу туйғудан нурланиб туради.

Бу дунёда ҳар кимнинг ўз йўли бор. Ўзига ато этилган йўлдан ҳар ким ўзи ўтиб боради. Чунки, бир инсон ўзгани бир умр етаклаб юролмайди. Аммо, йўл кўрсатади, ақл ўргатади, илму сабоқ беради. "Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар" нақли боболарнинг шу сабабидан бизга мерос аслида.

Миллат маърифати, миллат маънавиятини ким шакллантиради? Маънавият ташунчасидан айро яшаб бўладими? Албатта, йўқ! Чунки, маънавий поклик, маънавий журъатнинг илк тўлқини қонимизга онамиз алласи билан, отамиз дуоси, даъвати билан кирган. Алла оҳанги ила она қалбидан оқиб чиққан тилакларни поклик чашмасига менгаш мумкин.

Авлодлар қалбда абадий яшаб қолиш бахтига муяссар бўлган улуг аждодларимиз Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Қошғарий, Аҳмад Яссавий, Абдуқолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий каби ўнлаб азиу авлиёларни, илму ҳикмат соҳибларининг ҳаётини, яшаш тарзини ўргансақ, бир нарсага – уларни покдомон бўлганига амин бўлаемиз. Улар ҳаромдан ҳазар қилганлар. Елғиз Аллоҳга сизинган, ундан нажот, ундан ҳидоят, ундангина эзгулик тилаган.

Буюқ аждодларимиз дунёга илм истаб, маърифат истаб келганлар. Уни топгани боис, бугун авлодлари қалбидан шу илму ҳикмат нури ила яшамоқда. Маърифат аҳлининг, маънавият соҳибларининг битта йўли бор. Бу – ҚАЛБ йўли. Улар инсоннинг чеҳрасидан олдин қалбини кўрадилар. Чунки қалбдан қалбга, юракдан юракка очилган йўлда тўғон йўқ. Яратган азиз тутган оқилу фозиллар умри эзгу ният, эзгу амал, эзгу ахлоқ ва маърифат, поклик ила барҳаёт бўлган. Улар умр бўйи қалбга йўл излаган.

Бу покиза имон соҳиблари қорин қайғуси билан эмас, қадр қайғуси билан яшаган. Миллат қадри, миллат маънавияти уларнинг улуг мақсади бўлган. Демак, маънавият маскани

қалбда бўлса, маърифат йўли ҳам қалбдан бошланади.

Ҳоким ҳақли талаб кўйди

Инсон қачон ўзидан, яшаш тарзидан қониқиб ҳосил қилади? Қасбидан барака топса! Шу боис ота-боболаримиз бежиз: "Қасбу корингга барака

ЎЗИМИЗ ЎЗИМИЗНИ АЛДАМАЙЛИК

берсин", дея дуо қилмаганлар. Беихтиёр савол туғилади. Ҳаётда ўз юмушини қойилмақом қилиб юрганлар кўпми ёки иши, қасбидан норози юрганларми? Ниятга қараб амал. Ким нима истаса, нияти холис, ҳаракати ҳалол бўлса, албатта, излаганини топади, ўйлаганига етади.

Ота-боболаримиз бешиқдан тобутгача бўлган умр йўлида илм излашга даъват қилганлар. Аммо оғирни усти, энгилнинг остини кўзлаганлар доимо сермашаққат илму маърифат йўлини хоҳлавермайдилар. Зеро, таъкидланганидек, игна билан қудуқ қазиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди.

Тошкент вилояти ҳокими Рустам Холматов вилоят маънавият ва маърифат аҳли билан, тўғривоғи, 22 шаҳар ва туманда шу соҳанинг масъули бўлиб, яъни маош олиб ишлаётган Республика "Маънавият ва маърифат" маркази туман, шаҳар бўлинмалари раҳбарлари, соҳа мутахассислари ва маҳаллий бошқарув идоралари раҳбарларининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, "Давлат тили тўғрисида"ги Қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчилари билан учрашди, дилдан суҳбатлашди. Шу суҳбат асосида, очиги, вилоят раҳбари ушбу соҳалар кадрлари ишидан мутлақо қониқмаётганини билдирди. Учрашувда иштирок этиб, вилоят ҳокимининг кўнчақлик билан билдирган фикрларини қалбдан тасдиқлаб турарканман, албатта, бу ҳолатни қорғозга тушириш керак, деган ўйга келдим.

Юқорида айтилганидек, умрини, ҳаётини буткул миллат маънавияти, маърифатига бахшида этиш, мингдан бир инсонлар истайдиган ва унда юришини удалай оладиган машаққатли йўл аслида.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев кўплаб бошқа соҳалар

қатори маънавиятимиз, маърифатимиз тараққиётга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу соҳа ишини тақомиллаштириш бўйича махсус қарор қабул қилинди. Ақсарият ҳолларда жамоатчилик асосида бошқарилаётган туман, шаҳар бўлимлари бюджет маблағи ҳисобидан маош билан таъминланди. Қайси шаҳар, туманда Кенгаш раҳбари сифатида ҳоким эътиборли бўлса, бўлимларга барча зарур шарт-шароитлар яратиб берилди. Афсуски, айрим шаҳар, туман ҳокимларининг бу соҳага ҳамон панжа орасидан қараётгани ҳам ҳақиқат.

Вилоят ҳокими учрашувда масаланинг ана шу жиҳатига алоҳида эътибор қаратди. Туман, шаҳар бўлими раҳбарларидан қатъиятли, ташаббус-

ча бериш мумкин. Инсоф, диёнатни унутмаган инсон, қасби масъулиятини ҳис қилган одам ҳар қандай шароитда ҳам имконияти даражасида меҳнат қилади. Ёлгон ҳаёт кечирмайди. Виждони олдида уялади. Қолаверса, бугун маънавиятчиларимиз яхшигина маош оляпти.

– Шуну алоҳида таъкидламоқчиманки, – деди вилоят ҳокими, – туман, шаҳар ҳокимларининг энг биринчи иши маънавият, ёшлар тарбияси, уларга эътибор бўлмоғи керак. Чунки, маънавияти юксак инсон ўз юмушига

соҳа эгалари, айтинг-чи, ўз виждонингиз олдида юзингиз ёруғми?

Ўрта Чирчиқ, Чиноз, Янгийўл каби қатор туман ва шаҳарларимиз йўлларидаги реклама, эълонларнинг аҳволини кўринг. Ачинасиз, ғазабланасиз, ўзбеклигингиздан, ўзингиздан уяласиз. Инсон мард бўлиши керак. Зиммасидаги вазифани удалай олмаётими? Қўлини кўксига қўйсин, ўрнини бўшатсин, марҳамат қилиб, ҳа-



Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири,
сенатор

кор бўлишни талаб қилди. Аввало, ўзгалар маънавияти учун масъул бўлган инсон лоқайдликдан йироқ бўлса, оддий меҳнатқаш халқ ҳаётдан боҳабар юрса, ўз устида тинимсиз ишласа, албатта, кўзлаган мақсадига эришини уқтирди.

– Афсуски, бизда ундай эмас, – деди вилоят ҳокими. – Мен ҳозир сизларга бир неча савол билан мурожаат қилишим мумкин. Ким қайси шаҳар, туманда яшаб, ишлаётган бўлса, шу ҳудуднинг тарихини, табиатини, шу заминда туғилиб, камолга етган олимۇ фузалосини, меҳнатидан қадр топган оддий фидойи инсонларини яхши биладими? Туманда маънавияти, маърифати юксак, ҳам ҳаётда, ҳам турмушда, жамоада намуна кўрсатиб келаётган оилалар сонини нечта? Маънавият бўлими раҳбари бир кунда қанча оиллага кириб чиқди? Қайси нафақадаги маърифатли оқсоқоллар билан суҳбатлашди? Улар билан неча марта ёшлар учрашувини ташкил этди?

Маълумки, аёллар гулни, райхонни, гўзалликни яхши кўради. Туманда ҳовлисини яшатиб қўйган нечта хонадон бор? Китобхон оилалар сонини қанча, энг катта шахсий кутубхона кимнинг уйда?

Ҳар бир маънавиятчи бугун тонгда туриб, нима иш қилиши кераклигини ўйлайдими? Қатъий иш режаси борми? Иш жойидаги шароитини яхшилаш, юқори ташкилотлар қўйган талабларни амалга ошириш, ечими мураккаброқ муаммоларни ҳал қилиш юзасидан ҳокимнинг, ҳоким ўринбосарларининг қабулига неча марта кирган?

Ҳа, бу каби саволларни исталган-

ҳам, давлат ишига ҳам масъулият билан ёндашади. Аслида хом ҳаёллар билан юрадиган ёки бефойда йўлдаги бир одамнинг фикрини яхши томонга бура олиш ҳам соҳа эгасининг меҳнати маҳсули ҳисобланади...

Ўзаро савол-жавоблар, қизгин суҳбатлар мобайнида вилоят ҳокими аниқ тақлиф, самарали режа, инновацион ғоялари бор ҳар бир маънавият мутахассисига қанча маблағ зарур бўлса топиб беришни ваъда қилди.

Қолаверса, маънавият соҳибларининг яна бир муҳим иши, вилоятимиз туман, шаҳарларида амалга оширилаётган хайрли ишлар, яхши ташаббусларни оммалаштиришдир. Чунки, "Бирички мингта, мингички туманга". Яхшиликдан, яхшилардан намуна олиб, уларга ҳавас қилиб яшашда маъно бор, ахир.

Вилоят ҳокими маҳаллий бошқарув идоралари раҳбарларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича маслаҳатчилари ишидан ҳам умуман қониқиб ҳосил қилмаётганини ошқора айтди.

Тўғрида, муҳтарам Президентимиз ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кунни умумхалқ байрами сифатида нишонлашни қонун билан эълон қилиб, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш бўйича ҳудуд раҳбарларига маош олиб ишлайдиган маслаҳатчи лавозими жорий этди. Она тилига бу қадар жонқурликни дунёнинг бирорта мамлакатидега учратмайсиз. Умуман, мамлакатимизда маънавий-маърифий ишларни риволандириш ташкил этиш бўйича барча шарт-шароит яратиб берилаётган бўлса-ю, Сиз – шу

лол ишлайдиганларга берсин.

Қалб йўли

Маънавият – бизнинг қалбимиздан поклик оламига очилган эшик. Бу эшиқдан кирмоқчи бўлган одамнинг қадди тик, нияти тоза, луқмаси ҳалол, ўзи дарёдил бўлмоғи керак. Инсон қачонки ўз хатосини тан олса, хатоларидан тегишли ҳулоса чиқарса, демак, у маънавиятли, маърифатли одам. Унинг истиқболига, нурли келажигига ишонса бўлади. Ижод оламида башарият даҳоси бўлган ҳазрат Алишер Навоий бобомиз бу борада шундай ўтли байт битган:

*"Бўлди ўз нодонлигини
англамак донолуғим".*

Уйлаб кўрсак, ақсариятимиз Парвардигор олдида гуноҳкор бўлишдан қўрқамиз. Афсуски, сафимизда гуноҳдан мутлақо қўрқмайдиганлар ҳам кўпайиб бораётгани аччиқ бўлса-да ҳақиқат. Наздимда, бугунги маънавий оламимизни кузатиб, бизга маънавий бой мерос қолдирган улуг аждодларимиз руҳи лоқи олдида ҳам мулоам бўлаётгандекми. Айтинг-чи, инсон сифатида бизни, қалбимизни ким ва нима асрайди? Маънавиятимиз, маърифатимиз асрайди, шундай эмасми? Албатта, ягона асрагувчимиз – Аллоҳнинг ўзи! Аммо, бизни жаҳолат чоҳига тортаётган ширкимиз, имондан, ҳаёдан, вафодан узоқлаштириб бораётган баднафсимиз эмасми? Ушбу байтни битаётганларидега Румий ҳазратлари бизнинг бугунги аҳволимизни қалбдан кўриб тургандек:

*"Кўйлади Довуд, чу тошлар бўлди сув,
Етмади лек дили тошларга у..."*

Матбуотимиз фидойилари

Бизнинг "Ағай"

Бир вақтлар вилоят ижодкорлари ўртасида "Ағай" дея яхши танилган қадрли устозим, раҳматли Раҳим оға Довутбековни эслаганда, халқнинг "Яхшилик қил, дарёга ташла, билса холик, билмаса балиқ", деган гапи ёдимда туши. Негаки, бу нақл айнан лавҳамиз қаҳрамонига тааллуқлидек. Ҳаётда, замондошлари ва шогирдлари қалбидан ўчмас из қолдира олган устозимиз болалиги бол тотган онглириданок халқ хизматида бўлган.



қалбимнинг бебаҳо гавҳарига айланган у зотнинг порлоқ хотираси каминани ўтмишга сайр қилдириб, киприкларимни намлади. Алҳол, кўнгил торлари чертилди. Билмадим, бу соғинчми ёки армон? Ҳар не бўлганда ҳам шунга ўхшаш қандайдир бир туйғу каминани хотира сандигини титкилашга ундади ва байрам баҳона жойи жаннатдан бўлгур "Ағай"нинг руҳи покларига ҳамиша кўнгил кўшқидасиз устоз, дея изҳори дил қилгим келади.

Жамолдин АБДИЕВ,
"Юқори Чирчиқ ҳаёти"
газетаси бош муҳаррири
СУРАТДА: Р. Довутбеков.

Сўлим Янгибозор фарзанди Раҳим оға меҳнат фаолиятини урушдан аввалги йиллар болалар оромгоҳи етакчилигидан бошлаган эди. Ватанга, халққа садоқати боис, йилгит чоғида ишлаб турган гулдек юмушини ташлаб, уруш жанг-гоҳларига отланади. Оқопларда чанг ютиб, ўқлар ёмири остида қолиб, қурол қучоқлаган дамларидега ҳам ижод қилган, ўланлар ёзган.

Жанггоҳлардан ғалаба билан қайтган "Ағай" яна ўз умрини маънавий-маърифий ишлар билан боғлайди. Суяғи ҳукумат идораларидаги машаққатли меҳнат жараёнларида қотган захматқаш инсон 1969 йилда ўша кезлардаги "Олга", кейинчалик "Суръат"

деб аталган, ҳозирда "Юқори Чирчиқ ҳаёти" номи билан чоп этилаётган газетага муҳаррир бўлиб келади. Деярли умрининг охирига қадар мана шу мўътабар минбардан сўз айтади. Унлаб шогирдлар етиштирди.

Дарвоқе, ёш улғайган сари кўнгил деганлари биллур шишадек серсадо бўлиб бораверар экан. Салгина тегиб кетсанг, ўзидан ғайритабиий сас таратади. Устозим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Раҳим оға Довутбеков ҳақидаги мўъжазгина ёдноманинг ибтидосидаёқ дилимда ана шундай ҳодиса рўй берди. Эсимни таниб, қоғоз қиртишлай бошлаганимдан бери


Сўраган эдингиз

Сир эмас, мамлакатимизда колоронавирус пандемияси сабабли жорий этилган карантин сабаб кўплаб тадбиркорлар иқтисодий қийинчиликларга дуч келмоқда.

Тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ҳамда иқтисодий барқарорликни таъминлаш мақсадида Президентимизнинг бир нечта фармон ва қарорлари қабул қилинди.

ТАДБИРКОРЛАРГА СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ БЕРИЛАЯПТИ(МИ)?..

Хўш, давлатимиз раҳбарининг тегишли фармон ва қарорлари билан жорий этилган қатор имтиёзлардан вилоятимиз тадбиркорлари қандай фойдаланишмоқда? Бу борада солиқ органи ходимлари уларга кўмақдош бўлаяптими?



– Бошқармаимизга тадбиркорлардан солиқ тўловларини кечиктириш бўйича 295 та мурожаат келиб тушган, – дейди вилоят давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи Турдимурод Абдужаббаров. – Мазкур мурожаатлар ўрганиб чиқилиб, 26 млрд. сўмлик мулк, ер ва сув солиқларининг тўлов мuddатлари 1 сентябрга қадар кечиктирилди ҳамда 141 та мурожаат Халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан кўриб чиқилмоқда. Қолаверса, 2020 йил апрель ва май ойлари учун тўланадиган лозим бўлган мол-мулк солиғидан 4,7 млрд. сўм,

ер солиғидан 4,3 млрд. сўм солиқ суммалари ва шуларнинг 0,6 млрд. сўм пенялари ҳисобдан чиқарилди. Шунингдек, кичик тадбиркорлик субъектлари ҳамда микрофирмаларнинг 2020 йил 15 май ҳолатига ер солиғи ва мол-мулк солиғи бўйича 2020 йил 1 январдан бошлаб ҳосил бўлган пеня ва жарималар суммалари бўйича 2 миң 600 дан ортиқ субъектнинг 1,1 млрд. сўмлик ер ва мулк солиғига ҳисоб-

ланган пеня ва молиявий жарималар ҳисобдан чиқарилди. Бундан ташқари, мажбурий ижро бюросида ижрода турган 21,8 млрд. сўмлик солиқ идораси раҳбари қарорлари билан хатланган мол-мулкларни хатлови бекор қилинди ва 96,1 млрд. сўмлик иқтисодий судлар қарорлари ижросини 1 сентябрга қадар тўхтатишни сўраб, илтимосномалар қиртилди. **Зухриддин РАҲИМОНОВ**
Тошкент ҳақиқати/

Хусусий эълонлар

Тошкент саноат касб-хунар коллежи томонидан 2015 йилда Улмасов Шохрух Шухрат ўғли номига берилган К № 4038848 рақамли (тартиб рақами – 423) диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳри, Яккасарой туманидаги 172-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2011 йилда Раҳмонов Авазхон Олимжонвич номига берилган U № 5173221 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент архитектура қурилиш институти қошидаги академик лицей томонидан 2015 йилда Исмолов Бехруз Фарход ўғли номига берилган L № 254150 серия рақамли (115-рўйхат рақамли) диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Махкамова Мунира Қўшбоқовна номига 2010 йилда Қибрай молия-иқтисодий коллежи томонидан берилган К № 1834550 рақамли (тартиб рақами – 290) диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" газеталари жамоаси таҳририятда узоқ йиллар самарали фаолият юритган фахрий муҳаррир Убайдулла Абдушохидовга синглиси **Зулхумор ЖАБОРОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



Китобхонлик

Мутлола забқи

Бўка туманидаги "Бўстон" маҳалласида яшовчи Саодат Беғалиева Президентимиз томонидан илгари сурилган беш ташаббусга ўзининг хиссасини қўшиш мақсадида хонадонидида «Халқ кутубхонаси»ни ташкил этди.

Кутубхонамиз ўтган йили Юртбошимиз маҳалламиз аҳли ҳаёти билан танишиш мақсадида қишлоғимизга ташриф буюриши арафасида ташкил этилган, - дейди С. Беғалиева. - Қувонарлиси, Ёзувчилар уюшмаси кутубхонамизни ота-

лиққа олиб, 4 мингта китоб соғва қилди. Шунингдек, кутубхонада интернетга уланган хона, ўқув зали мавжуд. Аҳоли, айниқса, ёшларимиз мутлола забқидан мамнун бўлишмоқда. Султонбой ДЕҲҚОНОВ олган сурат

Истеъдод

ОТАЎФИЛ

Ўрта чирчиқлик Бахтиёр Мадияров саккиз баҳорни қарши олган бўлишига қарамай, анчагина ютуқларга эришиб улгурди. У беш ёшидан бери спортнинг "Ўзбек жанг санъати" тури бўйича шугулланади.



Тиришқоқлиги сабабли у туман, вилоят, республика миқёсидаги турнир ва мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб келапти. Хусусан, ўтган йил декабрь ойида "Ўзбек жанг санъати" бўйича ўтказилган мамлакат чемпионатида барча рақибларини маглуб этиб, биринчи ўринни эгаллаб, жорий йилнинг апрель ойида бўлиб ўтиши режалаштирилган Осиё чемпионатида йўлланма олган эди. Аммо, коронавирус касаллигининг кенг тарқалиши оқибатида мусобақа номаълум муддатга қолдирилди. Шундай бўлсада, Бахтиёр тайёргарлиқни бир зум ҳам тўхтатгани йўқ. - Устозларимнинг сабоқларини доимо кунт билан тинглаб, уларнинг кўрсатмасини тўлиқ бажаришга ҳаракат қиламан, - дейди Бахтиёр. - Ҳозирги шароитда ҳам мураббийимдан он-лайн тарзда кераклиқ топшириқларни олиб, ўз устимда тинимсиз ишлаяпман.

Бахтиёрда спортга бўлган меҳр ва қизиқишнинг пайдо бўлишига дадаси сабабчи. Уни доим қўллаб-қувватловчи, тўгарак ва мусобақаларга етаклаб борган ҳам дадаси. - Ёшлигимда спортчи бўлишни жуда хоҳлаганман, лекин маълум сабабларга кўра, орзуим амалга ошмаган, - дейди Барҳаёт Мадияров. - Шунда ўғил фарзанд кўрсам, албатта, спортга бераман деб, ният қилиб қўйгандим. Шукр, мана ўғлим мураббийлари ва менинг ишончимни оқлаб келмоқда. Отага фарзанднинг ютуқларини кўришдан ортиқ бахт бўлмаса керак. Худди ўзим чемпион бўлгандек қувонаман. Зухриддин РАҲМОНОВ /Тошкент ҳақиқати/ Аброр ЭСОНОВ олган сурат

Биз сиз учун кўчадамыз

Дунёда юзага келган вазият ўзимиз, ўз-лигимиз, жамият ва инсон ҳақида мушоҳада юриштишга мажбур қилаяпти. Шундай таҳликали пайтда атрофимизда қаҳрамонлар яшаётганини ўйлаш кўнглимизга илқикли олиб киради.

Бугун тиббиётчилар каби ҳеч муболағасиз ободончилик тизими ходимларини ҳам давр қаҳрамонлари десак, арзийди. Саҳармардондан, ҳали ҳамма ширин уйқудалигида уларнинг иш соатлари бошланади. Атрофни тозалаш, кўчаларни суғуриш билан андармон бўладилар. Ахир, улар кимнингдир онаси, опаси. Улар ҳам

уйда ўтириши мумкин эди. Аммо сизу бизнинг саломатлигимиз, кўчалар тозалиги ва ободлиги учун улар ишда. Биз-чи? Бунга муносиб жавоб бераёلمизми? Ниҳоят ва кўчоларни ечиб ташлаётганимизда, чанқоғимизни қондириш учун ичган яхна ичимлик идишини дуч келган жойга улоқтираётганимизда, ёзнинг



УЙДА КОЛИНГ!



чилласида ҳам жазирамани писанд қилмай меҳнат қилаётган фидойилар ҳақида бир оз ўйлайлик. Уларнинг меҳнатини қадрлайлик. Бу билан нафақат жамоат жойларини озода сақлашга хисса қўшамиз, балки ҳазрати инсон деган номга ҳали ҳам муносиб эътиборини намоён этган бўламиз. Аллома АЗИЗОВА /Тошкент ҳақиқати/ Аброр ЭСОНОВ олган суратлар

Ўлим ҳақ, деганлари шу бўлса керак. Ҳошим ака оламдан ўтибди, деган хабарни эшитганда Бахтиёрнинг хаёлидан ўтган биринчи нарсаси шу бўлди. Чунки, бундан атиги

икки кун бурун у билан гаплашиб, ҳолаҳвол сўрашганда Ҳошим ака қайфияти ҳам, соғлиги ҳам яхши эканини, маза қилиб қаршилик гаптини суриб юрганини айтган эди...

Одабийлик шеvasи

СўНГГИ ЙЎЛ

вазифаларини эгаллаб юрган пайтларида атрофида парвона бўлиб, бизга нима хизмат бор, деб қўл қовуштириб юрганларни кўп ва ҳўп кўрганмиз. Амалда ўтирганнида Ҳошимжон ака кимларга устоз, кимларга паноҳ, кимларга туғишганидан ҳам азиз ака, ҳатто ота ҳам бўлди. Унинг тўйлари ёки таваллуд кунларида қандай ноёб ва унутилмас қадах сўзлари айтимлади, дейсиз: Кимлар катта ҳаяжон ва кўзида ёш билан меҳрибон устози, ҳеч кимда йўқ акаси, энг билимдон ва ғамхўр раҳбари билан бир умрлик қадрдон дўст ва шоғирд бўлиб қолишини айтмади, дейсиз. Бугун эса ана шу инсон бандалиқни бажо келтирибди...



Ҳамма яхши билади, ўзбекчиликда марҳумни сўнги йўлга кузатиш, унинг жанозасида иштирок этиш энг савобли амаллардан бири ҳисобланади. Қолаверса, қадрдон инсоннинг шундай кунидо қатнашиш ҳам қарз, ҳам фарз. Шунинг учун ҳам бу нохуш хабарни эшитганча, ўзим яхши билган, ўз даврида Ҳошимжон ака билан бирга ишлаган қадрдонлар билан кўнғироқлашиб уйга ўтдик. Эҳтимол кўп бора юқорида келтириб ўтилган манзараларга гувоҳ бўлганлигимиз учунми, бу ердаги вазият

бизни бир оз ажаблантирди. Чунки, қариндош-уруғ ва маҳалла-кўйдаги одамларни ҳисобга олмаганда, деярли бошқа ҳеч ким йўқ эди. Жаноза ўқилишига ҳали вақт бор, балки ҳамкасблар, илгари у меҳнат қилган идора ва муассасаларнинг вакиллари, раҳбарлари энди келишар, деган фикр ўтди хаёлимиздан. Бу орада домла ҳам келди. Марҳумнинг сўнги ибодати ижро этиладиган вақт бўлди. Афсуски, марҳум ҳаётлигида у билан ёнма-ён юрган, ҳатто керак бўлганда ундан фойдаланиб келган, давраларда меҳр-оқибат ва садоқат ҳақида ошириб-тошириб ваъзхонлик қилган "сафдошлар" ва "шоғирдлар" кўринмас эди.

Оқсоқолни сўнги йўлга ана шундай кузатдилар. Кўп эмас, бундан бор-йўғи етти ой бурун кимлар учундир гоётда муътабар бўлган хонадон бирдан хувиллаб қолди. Аслида бунга ажабланишига кўпмак ҳолат йўқ эди. Чунки, "бугун катта амалда ишлаб юрган одам курсисидан кетган кундан бошлаб унутилади-ю, бу оламни тарк этган одам кимга керак, дейсиз. Бевафо дунё деганлари шудир, балким...

Фатхиддин МУҲИДДИНОВ

БУ АНЖИМ ДУНЁ

Тошкент Фотосуратлар уйда Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, фоторассом Ирина Щурнинг 60 дан ортиқ фотосуратлардан ташкил топган "Бу ажиб дунё" номли шахсий кўргазмаси очилди. Экспозициядан ижодкорнинг мамлакатимиз, шунингдек, Германия, Франция, Италия, Португалия, Финляндия, Швейцария, Латвия каби давлатларда бўлганида объективга муҳраган фотосуратлари ўрин олган. Фотосуратлардаги йилнинг турли фасллари, иқлим ўзгаришлари акс этган сою дарёлар, сервитор тоғлар, қир-адирларнинг кўринишлари томошабинларга завқ бағишлаб, уларни мушоҳадага чорлайди. Кўргазмада Тошкент вилоятининг гўзал табииати манзаралари акс этган суратларга ҳам кенг ўрин берилган. Хусусан, "Нанай", "Чорвоқда куз",

"Майдонтолда қиш", "Сирдарё", "Сўқоққа йўл", "Ангренга йўл" каби фотосуратлар шулар жумласидандир. Ирина Щур "Дунё халқлари санъати" Халқаро уюшмасининг магистранти, "Меҳнат шухрати" ордени билан тақдирланган. Кўргазма 3 июлгача давом этади. Ҳасан АБДУНАЗАРОВ



Чоршанба фельетони

Юрак нега "шув" этади?

Бекат ёнида турган "ГАИ"ни кўриб, юрагим "шув" этиб кетди. Яқинлашиб борсам, "ГАИ" эмас, оддий ёнги хизмати ходими экан. Бирдан ўйлаб қолдим: нега кўрқиб кетдим? Қондани бузган бўлмасам, ҳужжатларим жойида бўлса! Бу кўрқув қаердан келди? Ишхонага киришим билан ходимлардан бири қўлимга хатжилд тутқазди. - Нима бу? - Солиқдан келди... Юрагим "шув" этиб кетди. Шоша-пиша хатжилдни йиртдим. Хат-



да корхонамиз томонидан амалга оширилаётган ҳар қандай инновацион гоғани қўллаб-қувватлаб, амалий ёрдам берилиши ёзилибди. Жуда яхши! Лекин... нега мен хатни кўриб кўрқиб кетдим? Дав-

латдан бир сўм қарзим бўлмаса, солиқни вақтида тўлаб турган бўлсам, нега юрагим "шув" этади? Узимдан ўзим хафа бўлиб кетдим. Нега бунақа кўрқоқ бўлиб қолдим? Кўрқув қачон кириб улгурди? Ҳар нарсасига юрак "шув" этиб кетaversa, у муддатидан олдин тўхтаб қолади-ку! Шу хаёллар билан оғриб ўтирган эканман, "гийқ" этиб эшик очилди. Чўчиб тушдим. Қия эшикдан хатжилд берган ходимнинг боши кўринди. У кўзи билан кимнингдир келганини ишора қиларди. Юрагим "шув" этди.

- Ким келди?! - дедим ярим овозда... Нега бунақа гапирганимни ўзим ҳам билмайман. Ходим ортага тисарилиб, остонада хотин пайдо бўлди. Қўлида одатдагидек сермазмун иккита сўмка... - Бозордан қайтаётганим, бирров мўралаб ўтгим келди, яхши ишляясизми? Хоним йўл-йўлакай ишхонамга бир кириб ўтай дебди. Бор-йўғи шу! Лекин... анави ходимнинг "келди" ишорасидан нега кўрқиб кетдим? Ўзимнинг ишхонамда, ўз жамоам ичида, ўз ватанимда ўтирган бўлсам, ўғирлик қилаёт-

ганим, бировдан пора олаётганим ёки давлатнинг пулини "туя" қилиб (амалдорамми мен?!), ўтирган бўлмасам, нега кўрқаман? Қўлим ишга бормади. Ким биландир гаплашиб ўтиргим келди. Телефонимни титкилиб, дўстлардан бирига хабар жўнатдим: "Уртоқ, ишингни йиғиштир, бир жойга борамиз?" Хабар етиб бориши билан телефоним жиринглади. - Ҳа, тинчликми?! - Тинчлик, сени тушмиққа олиб бормоқчи эдим. У томондан дўстимнинг оғир хўрсингани эшитилди: - Уртоқ, шуни айтмайсанми? Нима экан деб, юрагим "шув" этиб кетибди... Алишер НАЗАР

TOHKENT VILOYATI HOKIMLIGI. Muassis: TOHKENT VILOYATI HOKIMLIGI. Bosh muharrir: Fayrat SHERALIEV. Manzilimiz: 111500, Nurafshon shahri, Toshkent yili kuchi, 90. Toshkent shahridagi ofisimiz: 100000, Matbuotchilar kuchi, 32. Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi. ISSN 2010-9318. Bosisha topshirish vaqti - 21.00. Bosisha topshirildi - 21.00 1 2 3 4 5